



« 19 » октябр 2017 й.

Наманган шаҳри 752 -сонли

Вилоятда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини янада ихчамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 2 августда ўтказилган йиғилишда берилган топшириқлар ижросини таъминлаш, жамиятимиз ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга кенг жорий этиш мақсадида вилоятда ўтказилаётган тўй-ҳашам, маросим ва унга доир турли оилавий тадбирлар шуҳратпарастликка берилиб, урф-одатларимизни менсимаслик, ўзини кўз-кўз қилиш, исрофгарчилик ва дабдабабозлик билан ўтказилиши ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига путур етказаётганлиги муносабати билан кенг жамоатчиликнинг вилоятимизда бўлиб ўтаётган тўй-ҳашамлар, маърака ва маросимларни тартибга келтириш тўғрисидаги илтимослари ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази ва Ёшлар Иттифоқи вилоят Кенгаши таклифларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги ПФ-2100-сон Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 10-11-сон, 203-модда) ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда)нинг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, “Нуроний” жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази ва Ёшлар Иттифоқи вилоят Кенгашининг вилоятимизда бўлиб ўтаётган тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни (кейинги ўринларда тадбирлар деб аталади) янада ихчамлаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Вилоятда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни мувофиқлаштирувчи вилоят комиссияси таркиби (кейинги ўринларда вилоят комиссияси деб юритилади) 1-иловага, тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар, марҳумлар

хотирасига бағишланган тадбирларни тартибга солиш бўйича тавсиялар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимлари раислигида тегишли қарорлар билан тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни мувофиқлаштириш бўйича **бир ҳафта** муддатда ҳудудий комиссияларни тузсинлар.

Мазкур комиссиялар таркибига туман(шаҳар)даги обрў-эътиборга, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган меҳнат фахрийлари, кекса нуронийлар, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг депутатлари, шунингдек маҳалла фаолларини киритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуслари ҳамда кенг жамоатчиликнинг таклиф ва истакларидан келиб чиқиб, вилоятимизда ҳар қандай тўй ва маросимлар **бир кунда** ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган тўй базмларининг тугаш вақти тунги вақт бошлангунга (соат 22:00) қадар, туманларда эса соат 21:00 га қадар этиб белгилансин.

Шаҳар ва туманлардаги ресторан, кафе ва тўйхоналарда маросимларни ўтказиш вақти 3 соатдан ортиб кетмаслиги таъминлансин;

тўй ва маросимларда жамоат тартибини сақлаш ва тадбирларни яқунлашнинг белгиланган вақтидан чўзилиб кетишини олдини олиш мақсадида профилактика инспекторлари ва вилоят комиссияси томонидан қатъий назорат ўрнатилсин;

Бунда жамоатчилик вакилларининг келин-куёв ва уларнинг яқинлари томонидан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) бўлимларига ташрифи жараёнида ҳамда шаҳар ва туманлардаги диққатга сазовор ва кўнгилочар жойларга сайр қилишда автоуловларнинг сони ёлланганлари билан бирга 4 тадан ортиб кетмаслиги, шунингдек автоуловларни марказий йўл ва айланма йўл кесишмаларида ҳаракатланаётган вақтида йўлнинг қарама-қарши томонига чиқмаслик, тирбандликни ҳосил қилмаслик, бошқа автоуловларнинг ҳаракатланишига ҳалақит бермаслик каби йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя этишлари ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

5. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (А.Тошпўлатов), вилоят телерадиокомпанияси (М.Мақсудов), “Наманган ҳақиқати” (М.Парпиев), “Наманганская правда” (В.Бичурин):

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар хавфсизлигига жиддий хавф солиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси билан ҳамкорликда рейдлар ўтказиш, тўй ва бошқа маросимларда ёлланган енгил автотранспорт воситаларининг тартибсиз ҳаракатланишларини бартараф этиш, шунингдек, тўй-ҳашам муносабати билан хиёбонларда суратга ва видеога олиш жараёнида жамоат тартибига риоя этилиши юзасидан ўрнатилган тартибда қатъий чораларини кўрсинлар.

6. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Тешабаев):

ресторан, кафе ва тўйхонада тўй-ҳашам ва турли маросимларни ўтказишда пластик карточкалар, пул ўтказиш йўли ва банк кредити орқали ўтказиладиган тўловларни қабул қилишда ҳеч қандай чекловларсиз, нархларни бир хил миқдорда, сунъий ошиб кетишига йўл қўймаган ҳолда амалга оширилишини таъминласин;

тўй ва бошқа маросимларда хизмат кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан автотранспорт хизматлари кўрсатилишининг қонунийлигини назоратга олсин.

7. Вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (Р.Ҳамроқулов) ресторан, кафе ва тўйхоналарда ўтказилаётган тўй, маърака ва оилавий маросимларда мева-сабзавот, озиқ-овқат ва ичимликлар, таомлар сифати бўйича ҳамда ошпазлар ва хизматчиларнинг тиббий кўрикдан ўтганлиги юзасидан тегишли назорат ўрнатсин.

8. Вилоят комиссияси (А.Файзуллаев, З.Махкамова), Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг ҳудудий комиссиялари вилоят прокуратураси (Б.Умаров), вилоят Ички ишлар бошқармаси (А.Тошпўлатов) ва ўзини ўзи бошқариш органлари (М.Ходжаев) билан биргаликда:

ҳар ойда бир маротаба ҳокимлик ижроия аппарати йиғилишида ҳамда йилнинг **ҳар чорагида** халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари йиғилишларида ҳудудий комиссиялар томонидан амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботларини эшитиб борилиши белгилаб қўйилсин.

Бунда ресторан, кафе ва тўйхоналарда бўлиб ўтадиган ҳар қандай тадбирларни **бир кунда**, таклиф этилган меҳмонларнинг сони кўпи билан 300 нафардан ошмаслиги белгилаб қўйилсин.

Тўй маросимлари ва бошқа тантаналарда пиротехника воситаларидан фойдаланмаслик, аҳолининг, айниқса кексалар, беморлар ва ёш болаларнинг тинчи ва осойишталигини бузмаслик мақсадида тунги тўй шовқинига қарши кураш талабларига қатъий амал қилиш чораларини кўрсин.

тадбирлар ўтказишга оид мазкур талабларга амал қилмаган, аввало тўй ва маросим ташаббускорлари ҳамда ресторан, кафе ва тўйхона эгаларига нисбатан амалдаги қонунларга мувофиқ қатъий чоралар кўрилиши таъминлансин.

9. Вилоят телерадиокомпанияси (М.Мақсудов), “Наманган ҳақиқати” (М.Парпиев), “Наманганская правда” (В.Бичурин), Наманган шаҳар ва туманлар ҳокимликларининг газеталари ва бошқа нодавлат оммавий ахборот воситалари, вилоят комиссияси ҳамда мутасадди бошқарма, ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда:

тўй-ҳашам ва бошқа оилавий тадбирларни **бир кунда**, ихчам, камхарж, камчиқим ва дабдабабозликларсиз ўтказишнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш мақсадида телерадио мулоқотлар, газеталар саҳифаларида махсус рукнлар ташкил этиб бориш тавсия этилсин.

10. Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (С.Муҳиддинов): тўй-ҳашамлар ва бошқа маросимлар замирида ҳозиргача мавжуд бўлган ва юзага келаётган долзарб муаммоларни кенг жамоатчилик билан муҳокама

этиш ҳамда миллий қадриятларимизга зид, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган иллатларга қарши жамоатчилик фикрини шакллантиришга алоҳида эътибор бериш ишларини амалга оширилишини таъминласин.

11. Вилоят маданият бошқармаси (Н.Қўчқоров), “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси вилоят бўлими (З.Саримсақов), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (С.Муҳиддинов) Давлат солиқ бошқармаси (А.Тешабаев) билан биргаликда:

тўй-ҳашам ва бошқа оилавий тадбирларни ўтказишда таклиф этилган санъаткорлар сони 2-3 тадан ошмаслиги юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиласин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 9 декабрдаги 354-сон қарори талабига мувофиқ лицензия, рухсатнома талаблари ва шартлари асосида маданий хизмат кўрсатилишини таъминласин.

12. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича вилоят Кенгаши (М.Ходжаев), вилоят Хотин-қизлар кўмитаси (З.Махкамова), Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (И.Раҳимов), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (С.Муҳиддинов), “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими (И.Нажмиддинов), Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вилоят вакиллиги (А.Турсунов) ва бошқа фуқаролик институтлари (нодавлат-нотижорат ташкилотлари) билан биргаликда:

жойларда тўй маросимларни ихчам, камхаражатли ва камчиқим ўтказиш бўйича тушунтириш тарғибот тадбирларини амалга ошириш;

фуқаролар йиғинларидаги асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, айниқса яраштириш комиссиялари фаолиятини кучайтириш;

комиссиянинг чоракли ҳисоботларида маҳаллада тўй ва маросимларни қисқартириш, ортиқча дабдабаларга йўл қўймаслик бўйича тегишли қарорлар ижросини таъминламаган фуқароларни “Маҳалладошлар йиғини”да танқидий муҳокама этиб бориш;

тўй ва маросимлар олдидан ўтказиладиган “Қудалар келишуви” тадбирини ўтказиш ишларини йўлга қўйиш билан биргаликда, мазкур келишувга “Яраштириш комиссияси” ва “Қайноналар кенгаши” вакиллари жалб этган ҳолда ташкил этиш;

жамоатчилик фикрини инобатга олмайдиган шахслар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, аниқланган салбий ҳолатлар бўйича профилактика инспекторларини жалб этган ҳолда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ва комиссияларга маълумот киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

13. Вилоят адлия бошқармаси (С.Нуриев):

бир ой муддатда ФХДЁ органларида никоҳдан ўтиш учун талаб қилинадиган хужжатлар қаторида никоҳдан ўтиш учун мурожаат этган ҳар бир келин-куёвнинг ўзи истиқомат қиладиган маҳалла фуқаролар йиғинидан тегишли маълумотнома тақдим этиш амалиётини жорий этиш бўйича Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда таклифлар киритсин;

жойларда ФХДЁ бўлимлари томонидан касб-ҳунар коллежлари ўқувчи қизларини таълим муассасасини тамомламагунларига қадар никоҳдан ўтказилишига йўл қўймаслик чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Мусулмонлар идораси вилоят вакиллиги (А.Турсунов)га:
жойларда оилани муқаддаслигини ҳисобга олиб, шаърий никоҳ ҳамда яқин қариндошлар ўртасида никоҳ муносабатларига киришишларига йўл қўймаслик;
қонуний никоҳдан ўтмаганларга шаърий никоҳ ўқимаслик;
шаърий никоҳ ўқиётган расмий ёки норасмий имомларни аниқлашда фуқаролар йиғинлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга яқиндан ёрдам бериш;
совуқ маъракаси бўлган хонадонларда эҳсон қилиб, дастурхон солмасликни тушунтириб бориш тавсия этилсин.

15. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (С.Мўминов)га:
жойларда чет элдан қайтиб келган фуқаролар, айниқса ўсмирлар ва аёлларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш;
никоҳланувчи ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнларида коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик, уларни тиббиёт марказларига шахсан ўзлари келишларини таъминлаб, тўлиқ тиббий кўрикдан ўтганларидан сўнг тегишли хулосаларни тақдим этиш;

яқин қариндошларни никоҳ муносабатларини қуришига йўл қўймаслик, унинг салбий оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш топширилсин.

16. Вилоят адлия (С.Нуриев), Халқ таълими (В.Ражапов), Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (Б.Тожиматов) бошқармалари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши (И.Раҳимов)ларнинг вилоятдаги барча мактаб, лицей ва коллежлар қошида “Ёш оила қурувчилар мактаби”ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ва унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ҳар ҳафтанинг чоршанба кuni мутахассисларни жалб қилган ҳолда битирувчи ёшлар орасида оиланинг муқаддаслиги, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизнинг ҳақиқий моҳиятини тушунтиришга қаратилган давра суҳбатлари ва ўқув-семинарлари ташкил этиш;

“Никоҳ шартномаси” ва унинг мазмуни, тўй-ҳашамларнинг ихчамлаштиришнинг моҳиятини кенг тарғиб қилиб бориш.

17. Касаба уюшмалари бирлашмаси (Қ.Содиқов) вилоят бошқарма, идора ва ташкилотлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, фуқаролик жамияти институтлари (нодавлат-нотижорат ташкилотлари) билан биргаликда:

бир ҳафта муддат ичида мазкур қарор мазмун-моҳиятини давлат ва нодавлат ташкилотларнинг кенгайтирилган йиғилишларида ходимлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб борсин ҳамда ўтказилган тарғибот ишлари юзасидан расмийлаштирилган баённомалар ҳамда раҳбарларнинг бу борадаги кафолат хатларини ўн кун муддат ичида вилоят комиссиясига тақдим этсин.

18. Вилоят прокуратураси (Б.Умаров) ва адлия бошқармаси (С.Нуриев):

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 28 октябрдаги ПФ-2100-сон Фармониға мувофиқ, ушбу қарор билан белгиланган тартибларға амал қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

19. Вилоят ҳокимининг 2016 йил 24 августдаги 324-сонли қарорининг 2-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

20. Ушбу қарор “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида ҳамда вилоят телерадиокомпанияси томонидан расман эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

21. Мазкур қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров

**Вилоятда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар,
марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни мувофиқлаштирувчи
вилоят Комиссияси
ТАРКИБИ**

1. Х.Бозаров - Наманган вилояти ҳокими, Комиссия раиси
2. А.Файзуллаев - Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари, Комиссия раиси ўринбосари
3. Ҳ.Маткаримов - Наманган вилояти ҳокими ўринбосари, Комиссия раиси ўринбосари
4. П.Маткаримов - Наманган вилояти ҳокими ўринбосари, Комиссия раиси ўринбосари
5. З.Махкамова - Наманган вилояти ҳокими ўринбосари, Комиссия раиси ўринбосари
6. И.Раҳимов - Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Наманган вилояти Кенгаши раиси, Комиссия котиби

Комиссия аъзолари:

7. С.Нуриев - Адлия бошқармаси бошлиғи
8. А.Тошпўлатов - Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи
9. В.Ражапов - Наманган вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи
10. Б.Тожиматов - Ўрта махсус, касб-ҳунар бошқармаси бошлиғи
11. С.Муминов - Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи
12. Р.Ҳамроқулов - Наманган вилоят давлат санитария-эпидемиология назорат маркази раҳбари
13. А.Тешабаев - Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи

14. О.Мамажанов - Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи
15. М.Ходжаев - “Маҳалла” ХЖФ вилоят бўлими раиси
16. И.Нажмиддинов - “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими раиси
17. С.Мухитдинов - Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари
18. М.Парпиев - “Наманган ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири
19. В.Бичурин - “Наманганская правда” газетаси бош муҳаррири
20. М.Мақсудов Вилоят телерадиокомпанияси директори
21. А.Турсунов Ўзбекистон Муслмонлари идораси вилоят вакили

Наманган вилоятида тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган
 тадбирларни тартибга солиш бўйича
ТАВСИЯЛАР

№	Ўтказиладиган маросимларнинг номи ва мазмуни	Бугунги ҳолати ва унинг салбий оқибати	Таклиф этилаётган тавсиялар	Тавсияни асослаш
1.	<p>СОВЧИ – уйланувчи йигит томонидан бирор хонадоннинг вояга етган қизини кўриш ва уни келин қилиб беришга қиз томон розилигини сўраш учун вакил қилинган киши. Совчилар (2 нафар) – икки ёшнинг танишувида, бахтли турмуш қуриб кетишида ва икки хонадон ўртасида яхши муносабат ўрнатишдаги воситачилардир. Шу сабаб элчиликка борадиган одам хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин доно, оқил, ҳаёт тажрибасига эга бўлиши керак.</p> <p>Қиз билан йигитнинг расмий учрашувида келинга совға берилади. Совғанинг қабул қилиниши қизнинг розилик аломати деб билинади.</p>	<p>Бугунги кунда совчи кутиш маросими алоҳида катта тадбирга айланиб кетмоқда. Алоҳида дастурхон, янги ва қимматбаҳо чинни идишларда тўйларда бўладиган ноёб ноз-неъматлар қўйилади. Ҳар 2 кунда бу маҳсулотларни янгилаб туриш ҳам одат тусига айланган.</p> <p>Қимматбаҳо совғалар тақдим этиш кўпайиб кетмоқда.</p>	<p>-Совчиларни оддий, кундалик дастурхон билан кутиш, уйда бор ноз-неъматларни қўйиш. Сохта обрў орттириш, ўзини ўзи кўз-кўз қилишдан тийилиш;</p> <p>-Ўзи ясаган, тиккан, тайёрлаган ёхуд оддий, лекин бежирим совғалар бериш. Совға нархи минимал ойлик иш ҳақининг ўн баробари миқдоридан ошмаслиги зарур.</p>	<p>Оила бюджетини ортиқча сарф-ҳаражатдан асраш.</p> <p>Бутун умрга эсдалик бўлиб қолади.</p>

2.	<p>ФОТИҲА ТҶҲИ ВА УНАШТИРУВ МАРОСИМИ – Никоҳ туйидан аввал ўтказиладиган тор доирадаги маросим. “Фотиҳа тўйи”ни никоҳ сари қўйилган илк қадам деб тушуниш мумкин. Унаштириш ёки “оқ ўраш” маросимида келин томон розилик аломати сифатида оқ мато билан белги беради. Шунинг учун ҳам ушбу маросим Наманган вилоятида “Оқлик олди” ҳам дейилади. Бу маросим “патир ушатар” ёки “унашиш”, “тилла тақиш” (келинга бўлғуси қайнона томонидан тилла буюм ҳамда ўзаро қудалар ўртасида ҳам тилла буюмлари бериш) деб ҳам юритилади. “Фотиҳа тўйи”да қизнинг онасига сут пули, тикиш пули, келинга қўйлақликлар, мева-чева, ҳолва-майиз, нон, патир ва ҳоказолар келтирилади.</p>	<p>Сўнги йилларда бу маросимда ҳам дабдабозлик ва манманликка берилиш ҳоллари кучаймоқда. Бугун “оқ ўраш” маросими кичик тўйдек ўтказилмоқда. Келин-куёвга 14-16 жуфт сарполар, келин томондан 15 - 18 та саватлар юборилапти. Шунингдек, бу юборилаётган саватлар фақат дастурхонга ўраб эмас, балки, турли фирмалар томонидан тақдим этилаётган маҳсус сарпо қутиларига солиш, маҳсус автотранспортларда келин уйига олиб бориш урфга кирди. Автомашина нархи масофага қараб белгиланмоқда. Куёв томонидан келган ҳар бир эркак қариндошигасаруполар кийдириш оддий ҳолга айланган. Куёвнинг онасига қимматбаҳо буюмлар (тилла буюмлар) тақдим этиш ҳам анъанага айланиб бормоқда.</p>	<p>“Фотиҳа туйи” ва “Унаштирув маросими”ни бирлаштириб, камтарона, ўзаро келишилган ҳолда, ортиқча чиқимларга йул қўймасдан ўтказиш керак. Совчиларнинг борди-келди тоғора йўқловларини 2-4 тадан оширмаслиги тавсия этилади. Унаштириш маросимида 2-4 та одам қиз томондан, 2-4 та одам куёв томондан ташриф буюриб, тўйни ихчам ўтказишни маслаҳатлашиб олиши лозим. Халқимиз урф-одатига кўра, нон ушатилиб, ёшлар унаштирилади. Тўй куни белгиланиб, уни ихчам ва тартибли ўтказиш билан боғлиқ масалалар келишиб олинади.</p>	<p>Бунда, келин ва куёвнинг оиласига тўйдан олдинги моддий қийинчиликлар, Қудалар ўртасидаги гина-қудрат ва келишмовчиликлар, тўйдан олдин улар орасида совуқчилик тушиши ва бир-бирини камситишга олиб келади. Шунингдек, хонадонда ортиқча сарф-ҳаражатларнинг олди олинади.</p>
3.	<p>ЮК БЕРДИ – Тўй дастурхони учун куёв тарафидан қиз тарафга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бир бош қўй. Мазкур маросимда</p>	<p>Миқдори белгиланмаганлиги сабабли, “ким ўзар” тарзида миқдорни ошириш одатга</p>	<p>Бундай ҳолатлар вужудга келмаслиги учун бу борада икки тараф вакиллари ҳам</p>	<p>Ҳаражатларни камайтириш, қудалар ўртасидаги ўзаро</p>

	<p>куёв томонидан 2 киши бориб ҳеч қандай меҳмондорчиликсиз “юк”ни келин тарафга ташлаб қайтади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, халқимиз урфига кўра, юкнинг миқдорини куёв тараф кўнгилдан чиқариб белгилайди.</p>	<p>айланмоқда. Айрим ўзига тўқ фуқаролар юкни хаддан зиёд ошириб юбориш ҳоллари мавжуд. Бу эса оддий фуқароларнинг қуда-андачилиги орасидаги ўзаро келишмовчиликларни келтириб чиқариб, пировардида тўй бузилишигача олиб келмоқда.</p>	<p>тажрибали, паст-баландни тушунган кишилар бўлишлиги мақсадга мувофиқдир. Юк миқдори - 1 та қўй, 1 қоп ун, 30 кг гуруч, 10 кг ёғ, 2 қоп сабзавотлардан иборат бўлиши тавсия этилади.</p>	<p>совуқчилик тушишининг олдини олади.</p>
<p>4.</p>	<p>УЙ БЕЗАТИШ – Ўизларининг турмуш қуриши муносабати билан ота-она тарафидан кизларига тақдим этиладиган мебел буюмлари ва сарполар мажмуаси.</p>	<p>Айни пайтда қиз сепига эҳтиёжсиз турли буюмлар, кийим-кечак, асбоб-анжом, мебел ва бошқа сарпо-суруғ, кўрпа-тўшаклар юборилмоқда. Таъкидлаш лозимки, ким ўзарга қизига сеп қилувчиларнинг салбий таъсирлари оддий меҳнаткаш кишиларнинг “қизимга сеп қиламан” деб бўйнигача қарзга ботишларига, шунингдек, баъзи қайноналар қиз тарафдан қимматбаҳо мебел, парда ва гиламлар талаб қилиши, қиз узатаётган оилаларни қийин моддий, маънавий ва руҳий ҳолатига сабаб бўлмоқда. Оддий оилалардаги</p>	<p>Бу борада маҳаллалардаги тўй ва маросимлар ўтказиш комиссиялари фаолиятини тиклаш, комиссия томонидан тўй соҳибларига лозим бўлган маслаҳат-ларни беришлари тавсия этилади. Келин ва куёв тараф ўзаро келишган ҳолда, ёш оилаларга дабдабаларсиз яшаш учун шароит яратиб беришлари мақсадга мувофиқдир. Қиз сепига қимматбаҳо буюмлардан кўра, рўзғорда ва ҳаётда зарур бўладиган (оила муқаддаслигини тарғиб этувчи, оилавий муаммоларнинг ечимини кўрсатувчи адабиётлар, уй-</p>	<p>Бу қизи бор оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Ҳозирги кунда айрим хонадон эгалари, яъни куёв томонидан 3-4 хонали уйлар келин томонга ажратиш ҳолат-лари мавжуд. Бу эса келин томонни хоналарни мебел жиҳозлари билан тўлдириши учун катта харажатларга (8-10 минг АҚШ долл.) олиб келади.</p>

		<p>узатилаётган қизлар бой-бадавлат оилалардаги тенгдошларига ота-онаси томонидан қилинаётган сепни кўриб, руҳан эзилиш, тушкунлик ҳолатлари келиб чиқмоқда. Айрим қизлар томонидан эса, ота-онага қимматбаҳо мебель, тақинчоқлар ва ҳ.к ларни қатъий талаб қилиш ҳолатлари учрамоқда.</p>	<p>рўзгор санъатига оид) ашёлар кўшиш мақсадга мувофиқ бўлади. Келин тушадиган хонадонни жиҳозлаш ишларини келин ва куёв тараф биргаликда келишган ҳолда амалга ошириш лозим.</p>	
<p>5.</p>	<p>НИКОҲ РЎЙХАТИДАН ЎТИШ – эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилган оилавий иттифоқ. Икки ёш ўзларининг умр ришталарини ФҲДЁ рўйхатидан ўтиб, боғлайдилар. Никоҳ янги оилага асос солади. Никоҳни қайд этиш гувоҳномаси асосида расмий имом томонидан шаърий никоҳ ўқилади.</p>	<p>Никоҳни тантанали қайд этиш маросимида келин-куёвларнинг 10-15 тадан ортиқ энгил машиналарда 40-60 нафардан йигит ва қизларнинг никоҳ уйларига рўйхатдан ўтишга гувоҳ сифатида келиши, шаҳарнинг диққатга сазовар жойларига боришида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидала-рини бузиши, кафе ёки ресторанларда никоҳдан ўтган-ликни тантанали нишонлаш дабдабозлик, манманлик, шуҳратпарастлик ҳамда азалий урф-одатларимизни писанд қилмаслик белгисидир. Бу тадбирда келин-куёв ва</p>	<p>1. Никоҳни тантанали қайд этиш маросимида келин янгаси ва куёв жўраси ҳамда 3-4 та ўртоқлари, дугоналари келин-куёв билан келувчи гувоҳларни 6 тадан оширмаслик. 2. Никоҳ қайд этилгандан сўнг, турли кафе ва ресторанларда ортиқча сарф-ҳаражатлар билан зиёфатлар қилиш ўрнига, шаҳарнинг диққатга сазовор ва муқаддас жойларини зиёрат қилиш. Шаръий никоҳ ўқиш ҳам масжидда эмас, никоҳ</p>	<p>Оилада миллий анъаналаримизга бўлган эҳтиромни сақлаган ҳолда, ортиқча сарф-ҳаражатларнинг олди олинади.</p>

		<p>унинг яқинлари қимматбаҳо автомашиналар кортежида шаҳарнинг энг диққатга сазовор хиёбонлари, боғлари, майдонлари ва меҳмонхоналар, ресторанларга жуда катта маблағлар эвазига (1000-2000 \$ эвазига) ташрифлар уюштириб, фотосессиялар, ўтиришлар ташкил этилмоқда.</p>	<p>тантаналари қайд этилган жойда ёки келиннинг ота уйида ўтгани маъқул. Шаърий никоҳ расмий қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳнома кўрсатилган тақдирдагина ўқилиши мумкинлиги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг фатвоси билан белгилаб қўйилган.</p>	
<p>6.</p>	<p>НАҲОРГИ ОШ ВА КУЁВ НАВКАРЛАР – Никоҳ куни келин ва куёв томон юртга ош бериши халқимизнинг қадимий одатларидан ҳисобланади. Урф-одатларимизга биноан куёв ва унинг навкарлари никоҳ куни келиннинг уйига ташриф буюрадилар.</p>	<p>Ҳозирги кунда келин ва куёв томонидан ош бериш маросимида 500, ҳатто 800 кишилик ош беришлар урфга кирмоқда.</p> <p>Бу ҳолат иккала тарафни моддий томондан қийинчиликка, ҳатто қарзга ботиб қолишига сабаб бўлмоқда. Қарзни узиш ниятида кўпчилик ёшлар, ота-оналар чет давлатларга пул топиш учун ишга кетишларига, у ерда турли қийинчиликларга дуч кели-шига, оиланинг пароканда бўлиш ҳолатларигача олиб келмоқда.</p> <p>Шунингдек, кейинги вақтларда куёв навкарларининг ташрифи куда томон учун ҳам,</p>	<p>Наҳорги ошда ҳар иккала тарафдан жаъми 150-200 кишигача иштирок этади (куёв навкарлар ҳам шу ерда қутилади).</p> <p>Ҳозирда паст-баландни яхши англаган қудалар келишиб бир жойда биргаликда ош беришни маъқул қурмоқдалар. Ушбу анъана ривожлантирилса, мақсадга мувофиқ иш бўлади.</p> <p>Куёв навкар таркибига балоғатга етмаган ёш болаларнинг кўшилиб қолмаслиги ва уларнинг тартиб билан куда тарафга кириб келишларини</p>	<p>Бу тақлифлар амалга ошса, қиз узатаётган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга эришилган бўлади.</p>

		атрофдаги кўни-кўшнилар учун ҳам баъзи кўнгилсизликларни келтириб чиқармоқда. Куёв томонидан келинни хонадонига келадиган меҳмонлар сони 60-80 нафарни ташкил этмоқда.	назоратга олиш. Куёв навкарларини қудалар билан бирга ош бериш маросимига таклиф этиш тавсия қилинади. Куёв навкарни сони 10 нафар бўлиши мақсадга мувофиқ.	
7.	<p>НИКОҲ БАЗМИ (Тўй базми) - куёв тараф никоҳ кечасини уюштиради. Бунда, келин тарафдан янги қариндошлар куёв тарафдан таклиф этилиб, ўзаро қариндошлик ришталари боғланаётганлигини англаувчи маросим.</p> <p>Никоҳ кечасидан сўнг қудалар келишиб, икки томон учун қулай вақтда оилавий (фақат оила аъзоларидан иборат таркибда) қудаларниқига ташриф буюришади.</p>	<p>Ҳозирда никоҳ маросими айрим фуқаролар томонидан ўзининг бойлигини кўз-кўз қилиш, “ман-манли” мусобақа воситасига айланиб кузатишмоқда.</p> <p>Тўйхоналар олдида кўчагача безаш ишлари олиб борилиб, санъаткорлар иштирокида шоу концерт дастурлари уюштириш одатга айланиб бормоқда.</p> <p>Фақатгина гул билан безаш ишларига 500 \$ АҚШ долларигача сарфланмоқда.</p> <p>Тўйларга таклиф этилаётган санъаткорлар 4 тагача, ҳатто пойтахтдан таниқли артистларини катта миқдордаги маблағлар эвазига чақириш урфга кирган. Шунингдек, тўйлардаги ўта кучли овоз кучайтириш</p>	<p>Никоҳнинг ижтимоий, маънавий, маданий ва тарбиявий томонларига алоҳида эътибор берган ҳолда уни маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари ва кенг жамоатчилик билан келишилган ҳолда ўтказиш лозим.</p> <p>Қудалар ўртасида олди-бердилар, тўй харажатлари миллий урф-одатларимизни ҳурмат қилган ҳолда ва жамоатчилик тамойилидан чиқмаган ҳолда бўлиши, санъаткорларга пул қистириш, пул сочиш каби салбий ҳолатларни чек қўйиш лозимлигини тушунтириш.</p> <p>Тўй базмини соат 17-00да</p>	<p>Ош тортиш ва никоҳ кечаси маросимларини ҳар икки томон келишган ҳолда бирга ташкил этишлари ҳар иккала тарафга ҳам моддий, ҳам маънавий фойда келтиради.</p>

		<p>мосламаларининг ишлаши натижасида аҳоли, айниқса ёшларга, келин-куёвга рухий зўриқиш таъсирини ўтказиб, натижада турли (хатто бепуштлиқ, фарзанд кўролмаслик каби) касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.</p> <p>Шунингдек, келин-куёвларнинг никоҳгача бўлган даврда “Севги изҳори” учрашувига чиқиб, алоҳида ресторанда ўтириш-лари шу билан бирга турли тоғу-тошлардаги саёҳатлари тасвирланган “Love Store” роликларини тўйхонада барча йиғилганларга намойиш этилиши, келиннинг кўлидаги гулини отиб, унинг дугоналари томонидан хурсандчилик билан илиб олишлари каби манза-ралар ўта “европача мада-ният”га тааллуқли ҳолатлардир.</p> <p>Шу билан бирга, келиннинг куёв билан бирга балл рақсларига тушиш ҳолатлари миллийлигимизга зиддир. Бундай салбий ҳолатлар</p>	<p>21-00 гача тугатиш; Тўйга келадиган санъаткорларни (хонанда, созанда, раққоса, бошловчи, сўз усталари) сонини 2 тагача қисқартириш; Тўйларда миллий куй-қўшиқлар, республикамиздаги машхур шоирларнинг шеърларини айтиш; Никоҳ маросимини ўтказиш учун турли безаш ишларини (тўйхоналардан ташқарида) олиб борувчи, концерт дастурларини ташкил этувчи, фото ва видео тасмаларга туширишни ташкил этувчи, ёритиш ускуналарини ўрнатувчи хусусий корхона ва юридик шахсларнинг фаолиятини тартибга келтириш; Катта тўй қилмоқчи бўлган айрим бадавлат оилаларга ортиқча маблағларини меҳр-шафқат, саховат йўлидаги хайрия ишларга,</p>	
--	--	---	--	--

		<p>оммавий маданиятнинг кенг тарқалиши орқали кириб келмоқда.</p> <p>Шунингдек, оддий, меҳнаткаш оилалардаги фарзандларнинг ота-онаси бошқа бой-бадавлат оилалардаги тенгдошлари каби тўй қилиб бера олмаётганлиги сабабли ота-онаси ўртасидаги келишмовчиликларга олиб келмоқда.</p> <p>Бундан ташқари, никоҳ маросимларида қимматбаҳо катта тўй тортларини тўй қатнашчилари олдида келин-куёв томонидан кесилиб, куёвнинг ўртоқларига, меҳмонларга келин томонидан едириш каби ғарб мамлакатларига хос, европача, яъни маънавиятимизга ва бой тарихимизга зид одат расм бўлган.</p> <p>Шу билан бирга, тўй дастурхонига энг сархил ва энг қимматбаҳо мевалар ва ноз-неъматлар, ноёб салатлар, гўшт ва балиқ маҳсулотлари ва бир нечта тансиқ таомлар қўйилмоқда. Натижада бу исрофгарчиликларга сабаб</p>	<p>кам таъминланган оилаларнинг никоҳ тўйлари, етим-есир болаларнинг “хатна тўй”ларига, мактаб ва болалар боғчалари, касалхона ва шифохоналарга, йўлларни таъмирлаш ва бошқа ободончилик ишларини амалга оширишга сарфлашлари савоблироқ бўлишини тушунтириш лозим.</p> <p>Кечада 150-200 кишигача иштирокчилар бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Тўйнинг ўзида шарқона одатларимизга зид бўлмаган, ҳам миллий, ҳам замонавий кийинган келин-куёв ортиқча дабдабасиз ФХДЁ ходимлари томонидан қонуний никоҳдан ўтказилади. Дастурхонга 2 хилдан ортиқ таом тортилмайди. Келин-куёвнинг тўйхонага келиб-кетиши 1 та енгил машинада навкарларсиз</p>	
--	--	---	--	--

		бўлмоқда.	амалга оширилади. Фақат 2 нафар келин янгалар келин-куёвнинг уйига бориши мақсадга мувофиқ.	
8.	КЕЛИН САЛОМ МАРОСИМИ – ўзига хос миллий қадрият намунаси бўлиб, келиннинг янги оила аъзолари билан илк танишуви ва уларга нисбатан ҳурмат-эҳтироми рамзи.	Бугунги кунда келин салом маросими ҳам ўзбекларнинг яна бир тўй маросимига айланиб кетмоқда. Келин салом маросими учун ресторан ёки кафеларни буюртма қилган ҳолда, яна меҳмонларни таклиф этиш, таниқли санъаткорларни хизматга таклиф этиш, қимматбаҳо совға-саломлар олди-бердиси каби ҳолатларда қудалар ўртасида ўзаро жанжалларни келтириб чиқармоқда.	Келин салом маросимини никоҳ базми бўлаётган даврада, йиғилганлар ўртасида ўтказиш ёки куёв хонадонига борганда уй остонасида ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.	Бу каби келин салом тадбирнинг ихчам ва кам чиқимли бўлишига олиб келади.
	“НОНУШТА” – никоҳ тўйининг эртаси куни келин томондан куёвнинг хонадонига уч кун давомида 15-20 турдаги егуликларни юбориш.	Афсуски, кейинги пайтларда бу маросим қисқартириш ўрнига тобора оммалашиб, егуликлар сони ва қиймати ошиб борапти. Жумладан, бир кунлик нонушта юбориш учун энг кўпи билан 1 миллион сўм маблағ сарфланади. Бу уч кунда 3 миллион сўмдан ошади ва натижада қиз узатган оила учун моддий муаммолар келиб чиқади. Бундан ташқари, пайшанба ва якшанба кунлари	Бу каби ортиқча маросимларни ўтказилишига умуман йўл қўймаслик лозим.	Оиланинг моддий ҳолатига ҳам зиён етказмайди.

		келин томондан юбориладиган йўқловлар ҳам миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз ва қадриятларимизга зиддир.		
9.	РУКУШОН – маҳаллий халқнинг кейинчалик урфга кирган, азалий бўлмаган одати.	Бугунги кунда рукушон маросими ҳам ўзбекларнинг яна бир кичик тўй маросимига айланиб кетмоқда. Рукушон маросими учун ресторан ёки кафеларни буюртма қилган ҳолда, 300-400 нафардан хотин-қизларни таклиф этиш, ўртадаги қимматбаҳо совға-саломлар олди-бердиси каби ҳолатларда қудалар ўртасида ўзаро жанжалларни келтириб чиқармоқда. Бу маросимга ҳам алоҳида автотранспорт, санъаткорлар ҳам таклиф этилиб, 5-10 миллион сўмгача маблағ сарфланмоқда.	Бу маросим ўзбекона одатларимизга зид бўлиб, уни ўтказиш оила бюджетига жиддий зарар келтиради. Шунинг учун ундан умуман воз кечса ҳам бўлади. Ҳозирда бу тадбирни бирдан таъқиқлаш оғир бўлгани учун, кичикроқ маросимга айлантириб, ҳар икки томон ўз оила аъзолари (асосан, аёллар) таклиф этишлари кифоя. Икки хил таомлар тортиш етарли.	Азалий урф-одатларимизга бўлган эҳтиром, миллийлигимизни сақланишига эришган бўламиз. Келин-куёвлар оилалари тарафини моддий қўллаб-қувватлашга эришилади.
10.	АҚИҚА – Бу маросим бола туғилган куннинг еттинчи ёки йигирма биринчи кунлари ўтказилади. Бироқ бу маросимни моддий имконияти етарли бўлган оила ўтказиши назарда тутилади. Чунки “ақиқа” суннат амали бўлиб, уни бажариш савоб, бажармаган киши эса гуноҳкор бўлмайди.	Ҳозирда ақиқа маросими ҳам айрим шахслар томонидан никоҳ тўйи сингари дабдабозлик, манманчилик тадбирига айланмоқда. Ресторан ва тўйхоналарда ўтказилаётган ақиқа маросимида қатнашчилар сони	“Ақиқа” маросимини ўтказувчи фуқаро маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирокида маросим кунини белгилаб, бу маросимни уйда, яъни қариндош-уруғ ва қўни-қўшнилар даврасида	Ортиқча исрофгарчиликларнинг олди олинади.

		ўрта ҳисобда 300-500 атрофида бўлмоқда.	Ўтказиши мақсадга мувофиқдир. Умумий қатнашчилар сони – 30-40 кишидан оширмаслик мақсадга мувофиқ.	
11.	СУННАТ ТҶЙИ – бир кунда ўтадиган маросим. Буюмлар баҳоли қудрат фарзанд учун совға сифатида келтирилади.	Эрталаб наҳорга ош берилади. Тушлик вақтида келин томон аёл қариндошларидан 100-120 нафари куёв хонадонида меҳмон қилинади. 5-6 хил таомлар тортилади. Бундан ташқари, тўй боланинг 30-40 нафар ўртоқлари ҳам тўйхонага ташриф буюради, улар ҳам меҳмон қилинади. Турли ўйинчоқлар, қимматбаҳо совғалар тухфа қилинади.	“Суннат тўйи” кунини маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда белгиланиши ва улар тарафидан тегишли тавсиялар берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Меҳмонларни 25-30 нафардан ошмаслигини таъминлаш керак.	Қўшимча сарф-ҳаражатлар қилмаслик ва ортиқча исрофгачиликнинг олди олинади.
12.	ДАФН МАРОСИМЛАРИ (3, 7, 20, 40, 52 кунда ўтказиладиган маросимлар, йил оши, ҳайит) - Дафн муносабати билан ёзилган хайру эҳсон зиёфатини “Маърака” деб номланади.	Ҳозирги кунда мархумнинг вафотидан кейин якшанба, пайшанба кунлари яқин қўшнилар ва қариндошлар жами йигирма-ўттиз киши иштирокида хонадонларда эҳсон ташкил этилмоқда. Ҳайит кунлари мархумнинг хонадони эшиги олдида мархумни уч кунлаб хотирлаб, жонлиқ сўйиб, 2-3 хил таомлар тайёрлаб, 150-200 киши	Мархумлар учун хайру эҳсон, садақа, Қуръон тиловати ва бошқа савобли амалларни бажариб савобини мархумларнинг руҳига бағишланади. Ушбу эҳсонга мархумни таниганлар ва қўни-қўшнилар жами кўпи билан 60-80 нафар кишини таклиф этиш мақсадга мувофиқ. Бундан бошқа эҳсонларни	Мархум вафотидан кейин кун санамасдан бир марта Маърака эҳсонини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу маросим ихчамлигини таъминлайди ва мархум оиласини ортиқча сарф-ҳаражатлардан ҳоли этади. Бундай эҳсонлар муҳтож кишиларга, яқка-ёлғиз қарияларга,

		иштирокида маросимлар ўтказилаёпти. Бундай маросимлар мархумнинг оила аъзоларининг моддий аҳволига сезиларли зарар етказмоқда.	оила давраида ўтказиш лозим. Хайит байрами кунлари мархумни хотирлаш маросимларини хайитнинг биринчи куни оила аъзолари, яқин қариндошлар ва қўшнилари билан уйда ўтказиш тавсия этилади.	ногиронларга улашиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.
--	--	--	---	---